



2014/01 №11

O'zbekiston davlat san'at va madaniyat institutining ma'naviy-ma'rifiy, ilmiy, axborot gazetasi

ЎЗБЕК РАВНОЗ

САНЪАТИНГДАН АЙЛАНАЙ, ДАРГОҲ!



Исоқтой Жуманов сўзи,
Рудакий Алланбоев ва
Улуғбек Ражаббоев мусиқаси

Куёшдан ёғилган халоскор нурсан,
Қалблар қирғоғидан тошган сурурсан.
Умрлар тонгида имзоларинг бор,
Бизлар кашф этажак дунёларинг бор.

Билимлардан маъмур безавол боғинг,
Ҳаётни олқишлар зумрад япроғинг.
Меҳрим хатин йўллар сенга нигоҳим,
Ватаним ифтихори – Олийгоҳим!

О, санъатим, саодатим масканим,
Булбуллари наво сочган чаманим.
Сеҳринг билан манзил обод маконим,
Меҳринг билан ёруғ абад жаҳоним.

У сенсиз яшолмас сен ҳам меҳринг бер,
Болам десин, ота макон, она ер.
Умидларим сенгадир чин қалбим дер:
“Шундай юртнинг фарзандисан кўрак кер”.

Остонамда куёш нур сочгани рост,
Ҳар хонангда баҳор гул очгани рост.
Яхшилар қошида ёруғ юзимсан,
Ҳалол касби-корим ризқу рўзимсан.

Улуғбек Ражаббоев мусиқаси

Qu-yosh-dan yo - g'il-gan ha - los - kor nur-san, Qalb lar qir-g'o - g'i - da tosh-gan
su - rur-san. Umr-lar ton - gi - da im - zo - la-ring bor
Qiz:
biz-lar kashf-e ta-jak dun-yo - laring bor. Bi-lim-lar-dan ma'-mur be - za -
vol bo-g'ing, Ha - yot - ni ol - qish-lar zum-rad yap - ro-g'ing.
Meh-rim xa-tin yo'l - lar sen-ga ni-go-him Va-ta-nim if - ti - ho-rim o -
liy - go - xim. Naqorot:
O, san' - a tim sao - da - tim
mas - ka - nim, Bul - bul - la - ri na - vo soch-gan cha - ma - nim. Seh -
ring bi-lan man-zil o - bod ma - ko - nim Meh - ring bi-lan yo - rug' o - bod
ja - ho - nim. U sen-siz ya - sha-olmas sen-ham meh-ring ber,
Bo-lam de-sin ota ma-kon, o-na yer, U-mid-la-rim sen-ga - dir chin

qal-bim ber Shun-day yurt-ning far-zan-di - san, ko'k-rak ker.
Os-to-nang-da qu-yosh nur soch - gan-ni rost, Har xo-nang-da ba-hor gul och
ga-ni rost, Yax-shi lar qo - shi - da yo - rug' yu-zim san
Naqorot:
ha-lol kas - bi ko-rim riz - qu ro'-zim san. O, san' - a tim sao - da - tim
mas - ka - nim, Bul - bul - la - ri na - vo soch-gan cha ma - nim. Seh -
ring bi - lan man - zil o - bod ma - ko - nim Meh - ring bi - lan yo - rug' o - bod
ja - ho - nim.

ВАТАН ҲИССИ

Ватан ҳисси аслида нимани англатади?
Бу саволга мухтасар жавоб топишда
аввало, ҳис-туйғуга таъриф берамиз.
Ҳис-туйғу – инсонга хос хусусият
ҳисобланади.

Ватан туйғуси – муқаддас туйғу эканлиги
яхши маълум. У юксак қадриятлардан
бири ҳисобланади.

Мустақиллик ва Ватан туйғуси,
Президентимиз Ислон Каримовнинг
Ватанга фидойилик кўрсатиш
лозимлиги ҳақидаги даъваткор сўзлари
қалбларимизга жо бўлган!

Ватанни билиш – ўзликни англаш
демакдир!

Катта ҳаёт йўлида адашмаслик учун

ҳар биримиз мукамал инсон бўлишимиз
керак.

Гўдак аввало, она меҳридан, она
алласидан камол топади. Қаранг, она
меҳри болага, боланинг меҳр ила камол
топишида Она меҳри билан Ватан туйғуси
ўртасидаги чамбарчас боғлиқликлар
Ватан ҳиссини намоён қилади.

Шундай экан, Ватан ҳисси билан ғурур ва
ифтихор ила яшайлик. Шу ўринда сеvimли
шоиримиз Абдулла Орипов ёзганидек:

Тавоф қил, майлига, яхшилар изин,
Лекин, ет қадрига буюклик сўзин.

Кимнидир эл-урт юрт бошга кўтаргай,
Буюклар кўтаргай эл-юртнинг ўзин!

Шаҳноза ИМОМНАЗАРОВА,

“Касб таълими” бўлими,

3 - курс талабаси

БУЮК ЭЛ ФАРЗАНДИМАН!

Бу дунёда энг буюк мавжудот инсондир. У
қаерда, қайси миллатга мансуб бўлмасин
буюклигича қолади.

Мана шундай улуғ бир диёрнинг буюк
миллат, ўзбек уруғининг фарзанди
эканлигимдан, бизнинг танамизда, жўш
ураётган қонимизда не-не аллома ва буюк
саркардалар қони оқаётган юрт фарзанди
эканлигимдан фахрланаман.

Мен Ватанни онага қиёслайман. Бу дунёда
Она битта бўлганидек, Ватан ҳам биттадир.

Давлатимиз мустақилликка эришган илк
кундан бошлаб биз ёшларга юртимизда
яратилиб берилётган шарт-шароитлар
туфайли эркин таълим олиш, ижод қилиш,
бетақдор истеъдодларини бутун дунёга

намоён этиш имкони туғилди.

Ёшларимизнинг маданият, санъат, фан,
таълим, спорт соҳаларидаги ютуқларинг
юртимизни дунёдаги нуфузини янада
оширмоқда.

Мен Она юртим Ўзбекистоннинг
истеъдодли, иқтидорли ёшларини ўз
даврининг буюк маърифатпарварлари
бўлган Ал-Хоразмий, Беруний, Мирзо
Улуғбек, Нодирабегим ва Увайсийларга
қиёс этгим келади.

Осмони мусавфо, тупроғи дур,
келажаги янада буюк юртни дунёга
тараннум этиш учун, қўлни қўлга бериб
олга интилайлик.

Ақром ТЎЛАГАНОВ,

“Оммавий байрамлар режиссураси”

бўлими, 3 - курс талабаси

Ҳар бир сўз ва терминнинг ўз луғавий ва истилоҳий маъноси бор. “Аруз” атамаси ҳам бундан мустасно эмас. Арузнинг этимологияси ҳақида фанда турлича фикрлар, қарашлар бор. Баъзилар уни водий номи билан боғласалар, баъзилар эса Макка шаҳрининг бошқача айтилиши Аруз бўлганини уқтирадилар. Назаримизда, Алишер Навоий келтирган маълумотлар ҳақиқатга яқиндир.

Адиб “Мезон ул авзон” асарида шундай ёзади: “Аруз фани шариф фандур. Ва буким, бу илмни нечун «аруз» дедилар, мухталиф ақвол бор. Ва ул будурким, Халил ибни Аҳмад раҳматуллоҳки, бу фаннинг возиидур, чун араб эрмиш ва анинг яқинида бир водий эрмишки, ани «Аруз» дерлар эрмиш ва ул водийда аъроб уйларин тикиб, жилва бериб, баҳоға киюрурлар эрмиш. Ва уйни араб «байт» дер. Чун байтларни бу фан била мезон қилиб, мавзунини номавзундин аюрурлар, гўёки қиймат ва баҳоси маълум бўлур, бу муносабат била «аруз» дебдурлар. Байтни ки уй оти бирла отабдурлар, муносабати муни дебдурларки, уйнинг чун биноси тўрт рукн биладур, бу байтнинг ҳам биноси тўрт рукн биладур, бу байтда ҳам маъни ҳайсиятидин кўп нималар бўлур, ҳатто уйнинг маҳзунот ва махфиёти ўрнига ҳам мунда махфий ва мактум хаёлот ва маони топса бўлур, бу муносабатлардин ани «байт» дебдурлар”. Демак, шу нарса аёнки, Халил ибн Аҳмад яшайдиган манзилга яқин бир жойда Аруз деган қишлоқ

АРУЗ ҲАҚИДА ҚАЙДЛАР

бўлган экан. Қишлоқдаги араблар уйни безатиб, жиҳозлаб сотувга кўяр эканлар. Араблар уйни байт дейишаркан. Шеърларни аруз фанининг ўлчовига солиб ўлчашганидек, ўша уйларни ҳам беазаб баҳолаб, ўлчаб кўриларкан. Шу сабабли бу илм ҳам аруз номи билан машҳур бўлиб кетибди. Уйнинг ҳам, шеърини байтнинг ҳам тўртта рукни бўлиши улар орасидаги мослик ифодаси эканини қайд этиб ўтади.

Чўзиқ ва қисқа бўғинларнинг муайян тартибда такрорланиб келиши аруз табиатини белгилувчи хусусиятлардандир. Шеър тузилишининг энг кичик бўлаги худди шу бўғиндир. Мусиқийлик ва оҳангдорлик аруз табиатидан. Баъзан арузда чўзиқ ҳижолабнинг қисқа ҳижога, қисқа ҳижолабнинг чўзиқ ҳижога айланиши бор бўлиб уни имола деб аташади.

Аммо кирил ва лотин графикаси асосидаги замонавий ўзбек ёзувидаги матнларга арузшуносликнинг барча қоидаларини ҳам татбиқ қилиш мушкуллик туғдиради. Ҳар бир халқ аруз вазнини ўз она тили қонун-қоидаларига мослаштиришга интилган. Унли ва ундош товушлар оҳангдошлиги назмда мусиқийликни келтириб чиқаради. Қисқа, чўзиқ ва ўта чўзиқ ҳижолабнинг талаффуз меъёрини билиш ҳам муҳим. Араб алифбосидаги 28 та ҳарф минг йилдан зиёд мумтоз меросимизнинг асосини ташкил этади. Эски ўзбек ёзуви ундошларга асосланган алифбо бўлгани боис унда қисқа ва чўзиқ унлиларни

ифода этувчи белгилар мавжуд бўлиб улар тилшуносликда ҳаракатлар, диакретик белгилар деб ҳам юритилади. Улар ҳарф устига қўйилувчи (фатҳа – “а”), (замма – “у”) ҳарф остига қўйилувчи (касра – “и,э”) дир.

Шеър вазнининг ўз бўлаклари бор. “Жузв” арабча бўлиб “қисм”, “бўлак” деган маънони билдиради. “Жузв”лар учта: сабаб, ватад, фосила. Сабаб, ватад ва фосиланинг маълум бир силсила бўйича уйғунлашувидан юзага келувчи назмий мисраларга рукнлар дейилади. Улар саккизта. Улар асосида эса баҳрлар шаклланди.

Ифодали ўқиш аслида уқишдан, бошланади. Шеърини асарлар, хусусан аруз вазнидаги назмий битикларни қоидага мувофиқ ўқиш ҳам шакл, ҳам мазмунга дахлдор эканлигини доимо эсда тутиш зарур. Аруз вазни илм билан ўқиладиган вазнлардан. Назар ташлангани ҳаманоқ, ўқиб кетиш мушкул. Унинг рукн, баҳрлари ва вазнини аниқлаб, кейин ишга киришиш шоирнинг мақсади ва шеърнинг мазмунини тўлароқ тушунишга имкон яратади. Хулоса ўрнида шунини айтиш мумкинки, қуйидаги талаблар аруз вазнидаги шеърларни ўқиш учун фойдали қоидадир. Асарнинг шаклу шамойилини аниқлаб, мазмуни ва руҳидан келиб чиққан ҳолда ўқиш техникасини белгилаш, матндаги сўз ва ибораларнинг асл маъносини изоҳли луғатдан кўриб чиқиш ва уларни асарда тутган ўрнини тўғри белгилаш, сўзлар қўлланилиши жиҳатидан истилоҳий,

мажозий ёки тасаввуфий талқинда бўлишини эътибордан қочирмаслик талаб этилади. Шеърнинг қайси вазн, баҳр ва рукнга мансублигини аниқлаб, унинг парадигмасини чизиб чиқиш, матн мазмуни, ифодали ўқиш техникаси ва ҳиссиётнинг уйғунлигидан иборат уч бирлик “қонун”га риоя этиш зарур. Шу ўринда уларга хос бўлган меъёрий мезонларни эътиборда тутиш керак. Техникага эътибор бериб, мазмун четда қолса ёки ҳиссиёт(пафос)га урғу қилиб асар мазмуни эътибордан соқит қилинса, қутилган натижа, самара бўлмаслиги мумкин. Овознинг баланд-пастиги (тембри), суръати (темпи) ижрочининг хоҳишига биноан эмас, балки асарнинг руҳи ва мазмунидан келиб чиқиши зарурлигини ёдда тутиш керак. Ҳар бир ижрочи ўз иқтидори, нафас ва овоз имкониятларига асосланган ҳолда ўқийди. Бу эса санъаткорнинг билими, савияси, характери ва ижро манерасига боғлиқ психологик ҳодисадир. Матнни уч назар билан ўқиб чиқиш тавсия этилади. Биринчиси, кўз югуртириб чиқиш, иккинчиси, мазмунига эътибор қилган ҳолда ички овоз билан ўқиш, учинчиси, ташқи овоз билан бир неча бор мутолаа этиш. Тилимизда кўп қўлланилмайдиган араб ва форс-тожик тили орқали кириб келган сўзларнинг талаффузига ва маъносига эътибор қилган ҳолда қайта-қайта ўқиб машқ қилиш шарт. Ўқилаётган матннинг руҳи, мазмуни ижрочининг юз-кўзида, қалбу қиёфатида яққол акс этишига эришиш лозим. Шундагина, унинг таъсир кучи билинади.

Раҳимбой ЖУМАНИЁЗОВ,
“Саҳна нутқи” кафедраси доценти

Халқ лапарлари ўзбек фольклорининг мустақил жанрларидан бўлиб, тарихий илдизлари узок даврларга бориб тақалади. Бу қадимийлик жанрнинг ижро ўрни ва ижро тарзида, сўз ва мусиқа уйғунлиги, хореографик ҳамда драматик турга хос хусусиятларнинг мавжудлиги, яъни фольклорга хос синкретизмнинг иштирок этишида яққол кўзга ташланади.

Асримизнинг 60 - йилларидан бошлаб тўй маросимларига профессионал санъаткорларнинг кириб келиши, қолаверса, халқ ижрочилари репертуарига ҳам профессионал кўшиқларнинг кўплаб ўтиши аста-секин қизлар базмида халқ лапарларининг ижро этилмай қолишига сабаб бўлди. Бунинг устига, вақт ўтиши билан лапар ижрочиларининг камайиб бориши ҳам жанрнинг оммавий ижро тарзига салбий таъсир кўрсатди. Ўзбек халқ лапарларининг илк тадқиқотчилари Элбек, М. Алавияларнинг берган маълумотларига қараганда, жанрнинг ижро доирасидаги торайиши, ҳаттоки, 30-йилларнинг охиридан сезила бошлаган. Бироқ бу торайиш ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги турли воқеалар оқибатида янада чуқурлашди ва жадаллашди. Иккинчи жаҳон урушининг фожеаси оқибатлари нафақат маросимларимизнинг кечил тарзига, балки уларда ижро этиладиган фольклор жанрлари миқёсига ҳам ўз таъсирини кўрсатди. Миллий ва маънавий қадриятларимизга нисбатан салбий мафкуравий таъйиқ ҳам лапарларнинг жонли оммавий ижросини орқага тортди. Халқ лапарлари жанри шундай тарихий жараёнларни кечираётган бир пайтда, кўплаб лапар намуналари йирик санъаткорлар репертуарига ўтиб, қайтадан сайқал топиб, эл орасида ижро этилди. Тамарахоним, Ҳалима Носирова, Меҳри Абдуллаева, Раҳима Мазохидова, Турсуной Мамедова, Гулшод Отабоева каби кўплаб йирик санъаткорлар репертуаридан мустақкам жой олган халқ лапарлари халқона асосларини, мазмунини йўқотмаган ҳолда ижро тарзи, оҳанги ва руҳида муайян даражада ўзгаришларга учради, аниқроғи, санъаткорлар уларга сайқал бердилар. Шу тариқа ўзбек халқ лапарлари икки қисмга

бўлинди. Биринчиси – оммавий халқона ижрога эга бўлган тарма лапарлар. Булар ниқоҳ тўйларининг муайян узвида кўпчилик томонидан бир қадар ижро этиб келинган. Аммо кейинчалик, улар ҳам маросим амалиётидан сиқиб чиқарилди. Иккинчиси – профессионал санъаткорлар репертуарига ўтган лапарлар бўлиб, улар тўйлар, байрам ва сайилларда кенг ижро этила бошланди. Бироқ бир хил матнларни ижро қилиш оқибатида бадихагўйлик йўқолди. Шунга қарамай, бундай лапарлар турли ҳудудларда ижро этилиши натижасида айрим лапарларнинг турли вилоятлардаги вариантлари ҳам вужудга келди. Ҳозирги пайтга келиб тўй маросимларида жонли лапар айтиш анъанаси бутунлай сўнгач, кўплаб тарма лапарларни ёшлар билмайдилар. Улар турли тўплам ва китобларда,

МАЪНАВИЙ МЕРОС



фольклор архивлари ва кексалар хотирасидагина сақланиб қолган, холос. Лапарларнинг шеърин матнидаги ритмик-синтактик параллелизмга асосланган амебей композиция, ижрода ўзаро айтишувнинг мавжудлиги, образ ва образлиқнинг яратилишида турли кўчимлар, тасвир ҳамда ифода восита ва усулларининг истифода этилганлиги жанрнинг бадиий таркиби ва табиатининг барқарор эканини тасдиқлайди.

Республикамиз мустақилликни қўлга киритгач, миллий қадриятларимизга муносабат бутунлай ўзгарди. Халқнинг маънавий меросига шундай оқилона муносабат туфайли халқ лапарлари тўй маросимлари, байрам ва сайилларимиз таркибидан яна мустақкам ўрин олишига шубҳамиз йўқ.

Эъзозхон КОЗИМОВА,
“Кино, телевидение ва радио санъати” факультети,
1 - курс талабаси

ОРЗУЛАР ОСТОНАСИ

Сурхондарёни асл санъат ва маданият ўчоғи, дейдилар. Бу диёрнинг ҳар гўшасида санъат ва маданият ихлосмандлари топилади. Тоғ ён бағирларида дostonлар куйлаётган бахшиларнинг нолалари кўнглингизда ажиб бир ҳис уйғотса, маҳорат ила жонсиз бир буюмдан бунёд этилаётган куй, оддийгина эмас, балки қалбга ўзгача завқ-шавқ улашиши, қулоққа ёқимли наво, кўнгилга ифор таратаётганидан ҳайратланасиз. Чанқовуз навоси ҳар бир ўзбекка беихтиёр бахтиёр кунларни эслатади. Аммо ушбу мусиқа асбобини юртимиздан олислардаги созанда чалса-чи? Унда билинги, яна бир маконда ўзимизнинг маданият ўрганилмоқда, унга нисбатан қизиқиш уйғонмоқда.



Юртимизда айна пайтгача чанқовузнинг икки тури бўлган. Суяқдан чанқовуз ясашда асосан эчки суягидан фойдаланишган. Ҳозирги кунда чанқовузлар асосан темирдан ясалмоқда.

Унинг қаҳрамонлари халқ қалбида яшайди ва йиллар ўтиб уларнинг мадҳи қоғозга муҳрланади. Улардан бири – ўзбек халқ оғзаки ижодининг гўзал намунаси “Алпомиш” дostonидир. Бу асарда чанқовуз ҳақида маълумотлар бор. Чанқовуз ижрочиси эркак ёки аёл бўлса, табиатига хос фарқ ила куй таралади. Чунки чанқовуз аввало, инсоннинг ички кечинмаларини, ўй-хаёлларини, шодлик ё изтиробларни ўзида ифодалай оладиган сеҳрли оҳангдир. Чанқовузнинг товуши чиройли, ёқимли тембрларда ва инсон қалбини ўзига чорлайдиган, қулоққа хуш ёқувчи товушга эга. Тажрибали ижрочининг қўлида чанқовуз такрорланмас оҳанглар пайдо қилади.

Бугунги кунга келиб чанқовузнинг сеҳрли оҳангига монанд рақслар ҳам ижро этиб келинмоқда. Қалбимда унинг навоси янграши билан ажиб бир ҳис пайдо бўлади. Сурхон кенгликлари-ю, дашт самимияти, соддадил инсонлар тафти, тоғ булоқлари сокинлиги уфуриб туради. Ана шу биргина бетакрор чанқовуз садоси кўнгилга ижод қилиш масъулиятини юклайди.

Нафосатхон ТОЖИБОЕВА,
“Санъатшунослик журналистикаси” бўлими
3 - курс талабаси,
“Ўзбекистон белгиси” кўкрак нишони совриндори

Муҳаммад Юсуф ўзбек шеърятига тўсатдан кириб келди, буни ўзбек адабиёти ҳам сезмай қолди, чоғи. Негаки, республика рус тили ва адабиёти педагогика институтида ўқиб юрган чоғларимизда уни ҳатто шеър ёза олиши ҳақида ўйлаб ҳам кўрмаган эканмиз. Кейинчалик шунчалик ўзбек адабиётига меҳр қўйган одам рус тили ва адабиётига кириб беш йил таҳсил олганлигини ҳам тушунмай юрдик.

Узоқ бош қотириб юришни хоҳламадик, шекилли, биз ўзимизча Муҳаммад Пушкин, Лермонтов, Есенин даҳосини ўз тилида ўқимоқчи бўлгандир, деган осонроқ хулосага кела қолдик. Негаки, талабалик чоғида М. Юсуф Абдулла Орипов ва башка ўзбек шоирлари билан бирга рус шоирларининг шеърларини зўр иштиёқ, чексиз ҳурмат-эҳтиром билан ўқиб ёд олар эди. Айниқса, уларнинг рус ерига чуқур муҳаббати ифодаланган шеърлари унинг алоҳида эътиборини тортар эди. Назаримизда, бу фикр тўғрига ўхшайди, негаки, шоир шеърларининг шаклларида рус шеърятига айрим хусусиятлар аниқ сезилиб туради.

Юқорида таъкидланганидек, шоир ўзбек шеърятига момақалдиқдек гулдираб, чақмоқдек ёрқин нур сочиб кириб келди. Унинг шеърлари тез орада ҳаммани ҳайрон қолдирди, шеърят ишқибозларининг оғзига тушди. Қўшиқларга айланиб ўзбек халқининг дил-дилига сингиб кетди. Унинг шеърлари ниҳоятда долзарб мавзуда ўта жиддий, аммо халқ дилига жуда яқин ва равон тилда ёзилган. Бу шеърлар шоир қалбидан оҳанг, мусиқа, қўшиқ каби оқиб чиққанлиги туфайли уларнинг кўпчилиги ҳофизлар қалбига оқиб кириб борди ва ҳаммага ёқимли бўлган қўшиққа айланди.

Бу қўшиқлар ўзбек қўшиқчилигини ҳам баланд поғоналарга олиб чиқди. Унинг шеърлари асосида қўшиқ айтган қанчадан қанча ҳофизлар элга танилди.

Муҳаммад Юсуф қўшиқларга айланган

ҚЎШИҚҚА АЙЛАНГАН ШОИР



шеърлари билангина эмас, балки энг аввало, халқ дардини баралла айтган, юрт муҳаббатини ҳеч кимга ўхшамаган мисраларда таърифлаган шеърлари билан танилди, шуҳрат қозонди.

Унинг шеърлари бир қарашда жуда содда, жўн ёзилганга ўхшайди. Аммо унга ўхшатиб ёзишни ўзи бўлмайди. Унинг осон ёзилганга ўхшаб кўринган мисралари китобхонларни йиғлатади, кулдиради, ўз оғушига тортиб олади. Негаки, буюклик

соддаликдадир, дейди машойихлар. Муҳаммад Юсуф ҳам ана шу бир қарашда соддалиги, тўпорилиги билан буюкликка даҳлдор бўлиб қолди.

Олим Озод Шарофуддинов шундай ёзади: “Муҳаммад Юсуф Худо берган қобилият эгаси эканлигига ўзим гувоҳ бўлганман. Бир даврада Чўлпоннинг “Кўклам” шеъри тўғрисида гап борди. У менинг таърифимдан таъсирланиб кетдим, ичкари хонага кириб кетди-да, ўн-ўн беш дақиқа ўтгач, кўлимга “Кўкламойим” шеърини тутқазди. Уни менга бағишлаганини айтди. Шеърни ўқиб, кўзимдан ёш чиқиб кетганди, ўшанда.

Муҳаммаджон камдан-кам туғиладиган истеъдод эгаси бўлиш билан бирга, камдан-кам шоирда учрайдиган хислат эгаси – шуҳратдан қочадиган камсуқум

инсон эди. У шуҳратнинг эмас, шуҳрат унинг ордидан қувиб юрар эди”.

Шоир ўз шеърларини қўшиқ қилиш мақсадида машҳур ҳофизлар ордидан чопмади, балки улар унинг ордидан югурдилар. Бунга унинг юқорида олим сўз юритган “Кўкламойим” шеъри ҳам ёрқин мисол бўла олади. Шеър ёзилганидан кўп ўтмасдан, ҳофиз Ғиёс Бойтоев уни қўшиқ қилиб айтди. Бу қўшиқ тез орада қўшиқсеварлар орасида машҳур бўлиб кетди.

Муҳаммад Юсуф ҳаётида кечган қийинчиликларга қарамай бахтли, омадли ижодкор дейиш мумкин.

Унга мустақил юртни, озод ўзбек элини кўриш насиб этди. Ҳозирги кунларгача унинг шеърлари қўшиқ бўлиб Ўзбекистоннинг энг улуғ байрамларида баралла янграмоқда.

Шоир қисқа умр кўрди. Шу ҳаёти давомида у тутамди, балки ёниб ижод қилди. Унинг ҳар бир шеърининг ҳар бир сатрида дард бор эди. У халқ дардини нозик ҳис қилар эди. Шунинг учун у инсон қалбининг туб – тубидаги дардни топиб ёза олди. Унинг юраги халқ юраги билан ҳамоҳанг урарди.

Муҳаммад Юсуфнинг шеърларини оҳанг, куй, қўшиқ бўлиб оқиб чиқиши эҳтимол шундандир. Шу туфайли унинг ўзи ҳам қўшиққа айланиб қолди.

Ҳамдам Исмоилов,
“Тиллар ва адабиёт” кафедраси
доценти, ф.ф.н



Барно
МИРЗААХМЕДОВА

“Оммавий байрамлар режиссураси” бўлими,
3- курс талабаси

СОҒИНЧНИНГ ҚИЗИМАН

Икки юрак тафтида борман,
Гоҳи азиз, гоҳида хорман...
Ошиқнинг бағрида баҳорман,
Чунки, мен соғинчнинг қизиман.

Мени битган она алласи,
Тонг нурини сочган палласи,
Чорлар аста гўдак ноласи,
Чунки, мен соғинчнинг қизиман.

Пешонамдан ўпди висоллар,
Излабдилар минг бир саволлар,
Юракларда сақлар инсонлар,
Чунки, мен соғинчнинг қизиман.

Қаро тун қўйнида қолдим,
Дилларни не қўйларга солдим,
Дийдор кўмсаб ўзим ҳам толдим,
Чунки, мен соғинчнинг қизиман.

Балки, менман лабдаги титроқ,
Алаמידан йиғлаган фиरोқ,
Кўзимда ёш, куламан бироқ,
Чунки, мен соғинчнинг қизиман.

Ёдга олиб аччиқ ситамлар,
Қоғоз қоралади қаламлар,
Қаранг, қалбим тўла аламлар,
Чунки, мен соғинчнинг қизиман.



НЕОБХОДИМОСТЬ СОВРЕМЕННОСТИ

Персидский поэт и мыслитель XIII века Саади писал: «Умен ты или глуп, велик ты или мал не знаем мы, пока ты слово не сказал!». Действительно, слово, речь – показатель общей культуры человека, его интеллекта. Сегодня на рынке труда будет более востребован тот молодой специалист, который умеет четко и грамотно выразить свои мысли в устной и письменной форме, владеет иностранными языками и навыками ораторского искусства. Работать над своей речью студентам помогают занятия по языкам и литературе, ораторскому искусству и культуре речи.

В мире бурно развивающихся международных контактов и связей в политике, экономике, культуре знание иностранного языка стало необходимостью. Сегодня культурная, экономическая и политическая ситуация в Узбекистане формирует у общества и граждан реальную потребность в знании иностранных языков. Практически невозможно представить себе жизнь современного человека, не владеющего иностранным языком, ведь большинство современных средств коммуникации и общения ориентированы на людей, в той или иной мере, знающих иностранный язык. Нельзя недооценивать возрастающее влияние информационных технологий на повседневную жизнь и рабочую среду, где знание иностранных языков просто необходимо для полноценной и грамотной работы (самым распространенным видом деятельности является работа в Интернете): общение, on-line конференции, иностранные партнерства.

В настоящее время мировые стандарты современного образования направлены на подготовку образованного, думающего и творчески развитого человека, способного адаптироваться в быстро меняющемся мире и современном социально-экономическом окружении. Осознавая это, многие студенты все больше времени уделяют изучению не только английского, а еще как минимум одному или двум иностранным языкам. Не секрет, что студентов, хорошо владеющих иностранными языками, более активно привлекают к научной работе, охотно принимают в различные студенческие организации, доверяют им представлять институт на международных конференциях и допускают до участия в грантах. Очевидным является тот факт, что в условиях жесткой конкуренции на рынке труда все руководители престижных фирм отдают предпочтение не только хорошему знанию основ профессии, но и общей культуре молодого специалиста, которая сегодня, безусловно, включает в себя знание иностранных языков и речевую культуру.

Неля ТУГОВА,
доцент кафедры «Языков и литературы»

Муомала инсон феъл-атворининг беагидир. Хушмуомалали инсон эл орасида севимли ва қадрли бўлади. Ҳаётимизда кўплаб инсонларни учратамиз, уларни кузатамиз, таҳлил қиламиз. Ўзини тутиши ва айниқса, муомала маданиятига алоҳида эътибор берамиз.

Муомала маданияти инсоннинг қандай феъл-атворга эга эканлигини кўрсатиб берувчи асосий омилдир. Бу билан сиз кўпчиликнинг ҳурматида сазовор бўлишингиз ёки аксинча, ҳурматингизни йўқотишингиз мумкин.

МУОМАЛА МАДАНИЯТИ



Фарб файласуфи бўлмиш Арасту биринчи бўлиб санъат ва маданият оламнинг пайдо бўлишида асос бўлиб ҳисобланадиган “муомала” иборасини истеъмолга киритгани ҳақида ўқиганмиз.

Муомала маданиятининг кўринишлари турли хил бўлади. Масалан, хушфеъллик, хушмуомалалик, ҳаё-иболилик, мулоимлик, беозорлик ва ҳоказо фазилатлар.

Ҳаё-иболилик борасида буюк бобокалонимиз Алишер Навоий “Маҳбуб ул-қулуб” даги “танбеҳ”ларида вафо ва ҳаёни уйғунликда кўрган шоир “Вафосизда ҳаё йўқ, ҳаёсизда вафо йўқ” деб таъкидлаганлар. Дарҳақиқат, маърифатли комил инсонлар ҳаёли ва вафодор кишилар ҳисобланадилар.

Вафосизнинг жабри қанча бўлса, ҳаёсизнинг бетгачопарлиги, беандишалиги ҳам шунча озор келтиради. Навоий бобомиз яна шундай деган эканлар: “Замон аҳли бевафолигидин бағримга тиканлар... ҳар қайсиға рақам урай десам, Айюб сабри анга вафо етмас ва қалам сурай десам Нуҳ умрида тамомға етмас”.

Қиссадан ҳисса шуки, муомала маданиятидаги ҳаё-иболилик ҳам, хушмуомалалик ҳам, ширинсўзлик ҳам ўз даврида ўз ўрнига эга бўлган. Ҳар бир инсон, айниқса, бугун камолга етаётган ёшлар ана шу бебаҳо фазилатларни ўз қалбига жо қилсалар, комил инсонлар сирасига кириб бораверадилар.

Ситора СОДИҚОВА,
“Қасб таълими” йўналиши,
3 - курс талабаси



Истеъдод илоҳий нур, шоир шахси эса шу муборак нурни қабул қилиб олувчи макондир. Тоza шахсият, яъни тил, дил, феъл поклиги билан илоҳий нур, яъни истеъдод қовушган жойда Буюклик бунёд бўлади. Бу илоҳий инъом! Бу комиллик билан илоҳий нурнинг пайвасталиги. Мана шу сазоворликнинг номи Ҳаққа етишмоқдир. Алишер Навоий ҳамда Заҳридин Муҳаммад Бобур сиймоларини шу неъматга эришган десак рост бўлади.

ИККИ БУЮК СУЛТОН

Фоний, "Хамса", "Лисонут тайр", "Чихл ҳадис", "Мажолисун нафоис", "Муҳокамат ул-луғатайн", "Рисолаи муаммо", "Маҳбул қулуб", "Ҳолати Саййид Хасан Ардашер", "Ҳолати Паҳлавон Муҳаммад", "Муншаот", "Вақфия", "Тарихи анбиё ва ҳукамо", "Анбиё ва ҳукамолар тарихи", "Тарихи мулуки аҷам", "Эрон подшоҳлари тарихи", "Назм ул-жавоҳир", "Насоим ул-муҳаббат", "Сирож ул-Муслимийн" "Муножотнома" сингари назм ва наср йўналишидаги асарлари Навоийнинг дидактик, фалсафий, илмий, бадиий кўламининг кенглиги билан ўзбек миллатининг маънавий қиёфасини белгилаб берди.

ИСТАНГИЗ

Истаганлар, бизни саҳрои балода
истангиз,
Водийи ҳижрон ила дашти фанода
истангиз.
Вомику, Фарҳоду Мажнундеклар ул
водий аро
Бўлсалар пайдо, мени ҳам ул арода
истангиз.
Юз аларнинг ишқича дарду, балоу
ғуссаға
Толиб эл бошиға келган мижорода
истангиз.
Эйки, истарсиз саводул ваҳж
фиддорайидин,
Бохабар бўлмоқ мени юзи қарода
истангиз.
Кўнглим ул зулф ичрадур, зинҳор ишқим
шарҳини
Истаманг мен телбада, ул мубталода
истангиз.
Нукта янглигим, вафо узра қилур котиб
рақам,
Ишқ ўтининг доғини аҳли вафода
истангиз.
Оғзи шавқидин Навоий итти, они истар эл,
Ё адам даштида, ё мулки фанода
истангиз.

КЎЗ БИРЛА ҚОШИНГ ЯХШИ

Кўз бирла қошинг яхши, қабоғинг яхши,
Юз бирла сўзинг яхши, дудоғинг яхши.
Энг бирла менгинг яхши, сақоқинг яхши,
Бир-бир не дейин боштин-аёғинг яхши.

ХУШЛУҚ

Ким кўрди экан жаҳонда, оё хушлуқ,
То бир киши айлағай, таманно хушлуқ.
Юз йилда агар бир ўлса пайдо хушлуқ,
Омодадурур ёнида юз нохушлуқ.



Келтурса юз балони ўшал бевафо
манга,
Келсун агар юзумни эвурсам, бало
манга!
Нетгаймен ул рафиқ билаким, қилур
басе,
Меҳру вафо - рақибға, жавру жафо -
манга.
Бегона бўлса ақл мен телбадин, не
тонг,
Чун бўлди ул парисифатим ошно манга.
Оху ёшимдин ортадурур зах, эй табиб,
Билдим: ярашмас эмди бу обу ҳаво
манга.
Дардим кўруб, муолажада зое этма умр -
Ким, жонда дарди ишқдурур бедаво
манга.
То ёр кимни истару кўнглига ким ёқар,
Ташвиш беҳижатдурур охир санго,
манга.
Бобур, бўлбтурур икки кўзум йўлда
тўрт,
Келса не бўлди қошима бир-бир манго,
манга.

Ҳижронда соғиниб, мени шод этгайсен,
Мен хастани мухлис эътиқод этгайсен.
Бу хатни анинг учун битидим мунда,
Кўргач бу хатимни мени ёд этгайсен.

Бесабрмену бесару сомондурмен,
Бир ғамзададурмену паршондурмен.
Не диннинг ишин қилдим не дунёнинг,
Ё Раб, нетай, ўз ишимга ҳайрондурмен.

Соқие ШАВКАТЛИ,
"Саҳна ва экран санъати
драматургияси" бўлими 2 - курс
талабаси тайёрлади

ЭЪЛОН!

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти бўш (вакант) ўринларга кафедралар бўйича кафедра мудири, профессор, доцент, катта ўқитувчи лавозимларига танлов эълон қилади

"Муסיқали, драматик театр ва кино санъати" кафедрасига 1 та профессор, "Эстрада ва оммавий томошалар санъати" кафедрасига 1 та доцент, "Вокал" кафедрасига 1 та катта ўқитувчи, "Педагогика ва психология" кафедрасига 1 та ўқитувчи ўрни.

Танловда қатнашиш истагини билдирган шахслар эълон чиққан кундан эътиборан бир ой муддат давомида институт раҳбариятига куйидаги тартибда ҳужжатларни тақдим этишлари сўралади:

1. Институт ректори (Кенгаш раиси) номига ариза

2. Шахсий варақа таржимаи ҳоли билан бирга
3. Талабгорнинг объектив-маълумотномаси
4. Дипломларининг нусхалари
5. Илмий, илмий-ижодий ва ўқув-услубий ишлари рўйхати
6. Тавсифнома
7. Кафедра қароридан кўчирма
8. 4 дона расм (3x4)
9. Паспорт ксеронусхаси
10. Малака оширганлиги ҳақидаги гувоҳномалар

Изоҳ: институтнинг кафедраларида фаолият олиб бораётган талабгорлар очиқ дарс ўтказиб беришлари, ташқаридан ариза берган шахслар синов дарсини ўтказишлари лозим (дарс баённомаси ва тақризлари илова қилиниши керак)

Манзил: Мирзо Улуғбек тумани, Яланғоч мавзеси, 127 А уй.
Мурожаат учун телефонлар: 230 28 13.

Муассис:

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти

Бош муҳаррир:
Муҳаммад ИСМОИЛ

Таҳририят ҳайъати:

Гўзал ХОЛИҚУЛОВА
Тўлқин ҚОЗОҚБОВ
Ҳамдам ИСМОИЛОВ
Улуғбек УРИНОВ
Раҳимбой ЖУМАНИЕЗОВ

Саҳифаловчи ва диз@йнер:
Дилафруз ИСМОИЛОВА

Таҳририят манзили: 100025 Тошкент шаҳри
М.Улуғбек тумани Яланғоч мавзеси, 127 А уй
Тел: +99893 587 77 47
+99871 230 28 13
www.dsmi.uz; muhammad_ismoil@mail.ru

Газета институт нашриёт-таҳририят бўлимида тайёрланди ва саҳифаланди.
Ўлчами - А3, ҳажми - 1 босма табоқ
Нусхаси - 1000 дона.
Буюртма

Газета ҳар ойнинг охирига ҳафтасида "NISO POLIGRAF" SHK босмаҳонасида чоп этилади.

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида № 02-00166 рақами билан 2012 йил 19 декабрда рўйхатга олинган.